ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM/T.33.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

КАНОКОВА ШАХНОЗА ЗАКИРОВНА

$(s_{nn})^{1/2}$=62-5020 ГэВ ЭНЕРГИЯ ОРАЛИҒИДА p+p, Cu+Cu, Au+Au, Pb+Pb ТЎҚНАШУВЛАРИНИНГ КОЛЛЕКТИВ ХОССАЛАРИ

01.04.08 – Атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси. Тезлаштирувчи техника

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

УДК: 539.172.12, 539.172.17

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математических наукам

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on physical and mathematical sciences

Канокова Шахноза Закировна
$(s_{nn})^{1/2}$=62-5020 ГэВ энергия оралиғида p+p, Cu+Cu, Au+Au, Pb+Pb тўқнашувларининг коллектив хоссалари.....3

Канокова Шахноза Закировна
Коллективные свойства p+p, Cu+Cu, Au+Au, Pb+Pb соударений в интервале $(s_{nn})^{1/2}$=62-5020 ГэВ…….....25

Kanokova Shakhnoza Zakirovna
Collective properties of p+p, Cu+Cu, Au+Au, Pb+Pb collisions in $(s_{nn})^{1/2}$=62-5020 GeV range…….....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works..... 55

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM/T.33.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

КАНОКОВА ШАХНОЗА ЗАКИРОВНА

$(s_{nn})^{1/2}$=62-5020 ГэВ ЭНЕРГИЯ ОРАЛИҒИДА p+p, Cu+Cu, Au+Au, Pb+Pb ТЎҚНАШУВЛАРИНИНГ КОЛЛЕКТИВ ХОССАЛАРИ

01.04.08 – Атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси. Тезлаштирувчи техника

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/FM251 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.inp.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Олимов Хусниддин Косимович** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Бозоров Эркин Хожиевич** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Насиров Авазбек Каримович физика-математика фанлари доктори, катта илмий ходим
Етакчи ташкилот:	**Жиззах давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Ядро физикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM/T.33.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «_____» соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Улуғбек қўрғони, ЯФИ. Тел: (+99871) 289-31-41; факс (+99871) 289-36-65; e-mail: info@inp.uz)

Диссертация билан Ядро физикаси институтининг Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100214, Тошкент ш., Улуғбек қўрғони, ЯФИ. Тел: (+99871) 289-31-19)

Диссертация автореферати 2021 йил «____» _____куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____даги ____ рақамли реестр баённомаси)

М.Ю. Ташметов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

О.Р. Тожибоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф. PhD

И. Нуритдинов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда юқори энергияли ядро-ядро тўқнашувларини ўрганиш замонавий назарий ва экспериментал физиканинг долзарб вазифаларидан биридир. Релятивистик ядро тўқнашувларида пионлар, каонлар, протонлар ва антипротонлар бундай тўқнашувларда пайдо бўладиган зич материянинг фазовий ва вақтга боғлиқ бўлган хоссалари ҳақида муҳим маълумотларга эга. Заррачаларнинг кўндаланг импульс тақсимотлари ушбу материянинг кўндаланг кенгайиши ва кенгайиб борувчи «файрбол»дан адронларнинг ажралиб чиқиш ҳарорати тўғрисида бевосита маълумотларни беради. Турли марказийликларда юқори ва ўта юқори энергиядаги ядро-ядро тўқнашувларини ўрганиш, тўқнашув марказийлигининг ўзгариши билан зич материясининг коллектив хоссалари ва унинг эволюцияси тўғрисида янги маълумотлар олишга имкон беради.

Замонавий коллайдерларда юқори энергиялар физикасини ривожлантириш учун долзарб бўлган муҳим тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда Оғир ионлар релятивистик коллайдерида (ОИРК, Брукхейвен миллий лабораторияси, АҚШ) ва Катта адрон коллайдерида (КАК, ЦЕРН, Швейцария) ўтказилаётган тажрибаларнинг устувор вазифаларидан бири кварк-глюон плазмаси деб аталадиган кварклар ва глюонларнинг плазма ҳолатини яратиш ва унинг турли хил хусусиятларини батафсил ўрганишдан иборат. Катта портлашдан кейинги илк микросонияларда Олам айнан шу ҳолатда бўлган деб ҳисобланади. Лаборатория шароитида модданинг бундай ҳолатига юқори ва ўта юқори энергияларда марказий ядро-ядро тўқнашувлари натижасида эришилади. Кварк-глюон плазмасини ўрганиш замонавий физиканинг долзарб вазифаларидан биридир.

Республикамизда юқори энергияларда ядро-ядро тўқнашувлари физикасини ривожлантиришга ва бу соҳада жаҳон миқёсидаги фундаментал тадқиқотларга катта эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, атом ядроси ва элементар заррачалар физикасида халқаро даражадаги тажриба ва назарий ишларни ўрганишга ҳам катта эътибор қаратилган. Фундаментал фанлар йўналишларини ўрганиш ва янада ривожлантиришга бўлган талаб 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида[1] ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июлдаги ПФ-5484-сон «Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» Фармонларида, 2017 йил 18 февралдаги ПҚ–2789-сон «Фанлар Академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 16 октябрда ПҚ-

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги № ПФ-4947 сон Фармони «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»

4492-сон «Ўзбекистон Республикасининг ядро-энергетика дастури учун кадрлар салоҳиятини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» Қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг II. «Энергетика, энерготежамкорлик ва муқобил энергия манбалари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг етакчи олимлари ва халқаро ҳамкорликлар томонидан юқори энергияларда оғир ионларнинг тўқнашуви натижасида ҳосил бўлган юқори зичликдаги ядро материянинг коллектив хоссалари ва эволюциясини ўрганишга бағишланган назарий ва тажрибавий тадқиқотлар, жумладан: ALICE, STAR ва BRAHMS каби халқаро коллаборацияларнинг америка ва европалик олимлари (B. Abelev, I. Arsene, J. Adams, ва б.), белгиялик (J. Cleymans, K. Redlich, A. Adronic) ва бошқа юқори энергия физикаси тадқиқотчилари томонидан олиб борилмоқда.

ALICE ҳамкорлигидаги америкалик ва европалик олимлар (B. Abelev ва бошқалар), BRAHMS ҳамкорлигидаги (I.Arsene ва бошқалар), шунингдек бошқа олимларнинг (J. Cleymans, K. Redlich, A. Adronic) ишларида гидродинамик моделлардан фойдаланилган ҳолда, $(s_{nn})^{1/2} = 2—200$ ГэВ энергия оралиғида оғир ионлар тўқнашувларидан сўнг заррачаларнинг чиқиши муваффақиятли тавсифланган. Шуни таъкидлаш керакки, гидродинамик моделлар марказий тўқнашувларга оид маълумотларни анча муваффақиятли тавсифлайди, аммо улар периферик тўқнашувлардаги маълумотларни нотўғри тавсифлайди ва бу гидродинамиканинг қўлланилиш чегарасини кўрсатади.

STAR, ALICE ва BRAHMS ҳалқаро ҳамкорликларидаги америкалик ва европалик олимлари ((J. Adams, B. Abelev, I. Arsene ва бошқ.) ўзларининг илмий ишларида зарба тўлқинининг гидродинамик модель функциялари билан Оғир ионлар релятивистик коллайдери (ОИРК, Брукхейвен миллий лабораторияси, АҚШ) ва Катта адрон коллайдеридаги (КАК, ЦЕРН, Швейцария) оғир ионлар тўқнашувларида ҳосил бўлган заррачаларнинг кўндаланг импульс моментлари (p_t) тақсимотларини тавсифлаш бўйича ишлар олиб боришган. Бироқ, Оғир ионлар релятивистик коллайдери (ОИРК, Брукхейвен миллий лабораторияси, АҚШ) ва Катта адрон коллайдери (КАК, ЦЕРН, Швейцария) экспериментал маълумотларининг модель функциялар билан тавсифлаш учун мўлжалланган кўндаланг импульс (p_t) оралиғлари ҳар хиллиги туфайли, кенгаяётган материянинг ($<\beta_t>$) кўндаланг кенгайиш тезлигини ва (T_{fo}) кинетик «совиш» ҳароратини тўғридан-тўғри таққослаш мумкин эмас, чунки бу параметрлар фойдаланилган кўндаланг импульс бўйича тавсифлаш интервалини ўзгариши ҳисобига фарқ қилиши мумкин.

Белгиялик олимлар (J. Cleymans ва бошқ.) Цаллис тақсимотидан фойдаланиб, Катта адрон коллайдерида (КАК, ЦЕРН, Швейцария) $(s)^{1/2} = 7$ ТэВ энергияли p+p тўқнашувларида заррачаларнинг 200 ГэВ/*c* гача

бўлган кўндаланг импульс тақсимотларини муваффақиятли тавсифлашдилар. Шунга қарамай, уларнинг ишларида кўндаланг импульс тақсимоти кичик интервалда (p_t<3 ГэВ/c) тавсифланганда олинган Цаллис тақсимотининг параметрларида ноаниқликлар қайд этилди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Миллий университетининг илмий тадқиқот институтлари (ЎзР ФА Физика-техника институти «Физика-қуёш» ИИЧБ) билан илмий-педагогик малакали кадрлар тайёрлаш бўйича 2018 йилнинг 25 январида тузилган илмий ҳамкорлик шартномаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади юқори энергияли Cu+Cu, Au+Au, Pb+Pb ва p+p тўқнашувларида ҳосил бўлган зич ва иссиқ материянинг коллектив хоссалари тўғрисида янги маълумотлар олишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

$(s_{nn})^{1/2}$= 62.4—2760 ГэВ энергия оралиғида марказий Cu+Cu, Au+Au ва Pb+Pb тўқнашувларида ҳосил бўлган зарядланган пионлар ва каонлар, протонлар ва антипротонлар экспериментал кўндаланг импульс тақсимотларини феноменологик таҳлил қилиш;

$(s_{nn})^{1/2}$= 62.4—2760 ГэВ энергия оралиғида марказий Cu+Cu, Au+Au ва Pb+Pb тўқнашувларида ҳосил бўлган зарядланган пионлар ва каонлар, протонлар ва антипротонлар кўндаланг импульс спектрларининг назарий модель функциялари ёрдамида тавсифлаш учун оптимал кўндаланг импульс интерваллларини танлаш;

марказий Cu+Cu, Au+Au ва Pb+Pb тўқнашувларида ҳосил бўлган зич материянинг коллектив параметрлари (материя кўндаланг кенгайишининг ўртача тезлиги ($<\beta_t>$) ва адронларнинг «файрболдан» ажралиб бориш кинетик ҳарорати (глобал кинетик «совиш» ҳарорати T_{fo})) қийматларини олиш ва ушбу параметрларнинг тўқнашувларда иштирок этган нуклонларнинг ўртача сони $<N_{part}>$ ва $(s_{nn})^{1/2}$ энергияга боғлиқлигини ўрнатиш;

$(s_{nn})^{1/2}$ = 2.76 ва 5.02 ТэВли турли марказийликлардаги p+p ва Pb+Pb тўқнашувларида ҳосил бўлган зарядланган пионлар ва каонлар, протонлар ва антипротонлар экспериментал кўндаланг импульс тақсимотларини таҳлил қилиш;

$(s_{nn})^{1/2}$ =2.76 ва 5.02 ТэВли турли марказийликлардаги p+p ва Pb+Pb тўқнашувларида ҳосил бўлган зарядланган пионлар ва каонлар, протонларнинг кўндаланг импульс спектрларининг назарий модель функциялари ёрдамида тавсифлаш учун оптимал кўндаланг импульс интерваллларини танлаш;

$(s_{nn})^{1/2}$=2.76 ва 5.02 ТэВли турли марказийликлардаги Pb+Pb тўқнашувларида материянинг кўндаланг кенгайиш ўртача тезлиги ($<\beta_t>$) ва T глобал ҳарорати қийматларини ҳисоблаб олиш ва бу параметрларнинг тўқнашувлар марказийлиги даражасига ва $(s_{nn})^{1/2}$ энергияга боғлиқлигини аниқлаш;

$(s)^{1/2}$ =2.76 ва 5.02 ТэВли p+p тўқнашувлардаги Цаллис тақсимот функциясининг q мувозанатсизлик (ноэкстенсивлик) даражаси ва T ҳарорат қийматларини ҳисоблаб олиш ва бу параметрларнинг заррачалар тури ва

$(s)^{1/2}$ энергияга боғлиқлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объектини юқори энергияли оғир ионлар (Cu+Cu, Au+Au ва Pb+Pb) ва p+p тўқнашувлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини юқори энергияли p+p, Cu+Cu, Au+Au ва Pb+Pb тўқнашувларида ҳосил бўлган зарядланган пионлар ва каонлар, протонлар ва антипротонлар экспериментал кўндаланг импульс спектрлари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Экспериментал маълумотларни таҳлил қилишнинг мавжуд математик статистика аппарати, аналитик тахминлар ва экспериментал маълумотларни назарий ҳамда феноменологик моделлаштириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидаги натижалардан иборат:

$(s_{nn})^{1/2}$= 62—2760 ГэВ энергия оралиғида марказий Cu+Cu, Au+Au ва Pb+Pb тўқнашувларда ҳосил бўлган материянинг кўндаланг (радиал) оқим ўртача тезлиги ($<\beta_t>$) ва иштирок этган нуклонларнинг ўртача сони $<N_{part}>$ ўртасида тўғри боғлиқлик ўрнатилган;

$(s_{nn})^{1/2}$= 62—2760 ГэВ энергия оралиғида марказий Cu+Cu, Au+Au ва Pb+Pb тўқнашувларида олинган глобал кинетик «совиш» ҳарорати T_{fo} тўқнашувларда иштирок этган нуклонларнинг ўртача сонига $<N_{part}>$ боғлиқ эмаслиги кўрсатилган;

ўртача кинетик «совиш» ҳароратининг қиймати $<T_{fo}>$ энергия $(s_{nn})^{1/2}$ ошиши билан ортиши ва энергия қиймати $(s_{nn})^{1/2} \geq 200$ ГэВ бўлганида $<T_{fo}>$ ўзининг чегаравий қийматига етиши, $(s_{nn})^{1/2}$ = 200—5020 ГэВ энергия оралиғида эса ўзгаришсиз қолиши ўрнатилган;

$(s_{nn})^{1/2}$ = 2.76 ва 5.02 ТэВ энергияларда Pb+Pb тўқнашувлар марказийлиги ортиб бориши билан Pb+Pb тўқнашувлар тизимининг термализация даражаси ортиб бориши ва мувозанатсизлик (ноэкстенсивлик) даражаси эса аксинча камайиб бориши кўрсатилган;

Цаллис тақсимот функциясининг T ҳарорати ва q мувозанатсизлик (ноэкстенсивлик) даражасининг p+p туқнашувлар энергияси $(s_{nn})^{1/2}$ 2.76 дан 5.02 ТэВгача ортиши билан (заррачаларнинг барча турлари учун) ошиб бориши аниқланган;

хато чегараларида мос келадиган $(s)^{1/2}$= 2.76 ва 5.02 ТэВли p+p тўқнашувларида коллектив кўндаланг оқим тезлигининг нол қиймати аниқланган, бу эса p+p тўқнашувларининг тўлиқ ансамблида кварк-глюон плазма шаклланиши бўйича сигнал мавжуд эмаслигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

$(s_{nn})^{1/2}$= 62—2760 ГэВ энергия оралиғидаги марказий Cu+Cu, Au+Au ва Pb+Pb тўқнашувларида ҳосил бўлган зич материя коллектив оқимининг ўртача тезлик қийматлари олинган;

$(s_{nn})^{1/2}$= 62—2760 ГэВ энергия оралиғида марказий Cu+Cu, Au+Au ва Pb+Pb тўқнашувларида зарядланган пионлар ва каонлар, протонлар ва антипротонлар ҳосил бўлишининг (глобал) ўртача кинетик ҳарорати баҳоланган;

$(s_{nn})^{1/2}$=2.76 ва 5.02 ТэВли турли марказийликлардаги Pb+Pb тўқнашувларида зич материя коллектив оқимининг ўртача тезлиги ва

зарядланган пионлар ва каонлар, протонлар ва антипротонлар ҳосил бўлишининг (глобал) ўртача кинетик ҳарорати баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ушбу ишда математик статистиканинг стандарт аппарати, шу жумладан χ^2 минимумининг умумий қабул қилинган усули, аналитик яқинлашувлардан фойдаланилганлиги, ОИРК ва КАК тажрибаларида олинган катта ҳажмли экспериментал натижаларни назарий ва феноменологик моделлаштирилганлиги (статистик ва ядро физикаси, термо- ва гидродинамика қонунлари асосида), шунингдек бошқа муаллифлар олган натижаларга мослиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти зич материянинг коллектив оқимининг ўртача тезлиги, шунингдек $(s_{nn})^{1/2}$= 62—2760 ГэВ энергия оралиғида бўлган марказий Cu+Cu, Au+Au ва Pb+Pb тўқнашувларида ҳосил бўлган зарядланган пионлар ва каонлар, протонлар ва антипротонлар ҳосил бўлишининг ўртача кинетик ҳарорати қийматлари олинганлиги хамда оғир ионларнинг марказий тўқнашувларида ҳосил бўлган зич материянинг коллектив хоссалари бўйича олинган янги фундаментал натижалари дунё маълумотлар базасини тўлдириши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ушбу ишда қўлланилган усул зич материянинг коллектив оқими ўртача тезлигини ва юқори энергияли ядро-ядро тўқнашувларида заррачалар ҳосил бўлишининг ўртача кинетик ҳароратини аниқлашда қўлланиши мумкин. Олинган натижалар эса юқори энергияли оғир ионлар тўқнашувларини тавсифлаш учун ишлатиладиган янги назарий моделлар ва ёндашувларнинг мувофиқлигини синовдан ўтказиш ва замонавий оғир ионлар тезлатгичларда, яъни Оғир ионлар релятивистик коллайдери (ОИРК, Брукхейвен миллий лабораторияси, АҚШ) ва Катта адрон коллайдери (КАК, ЦЕРН, Швейцария)да янги тажрибаларни режалаштириш учун қўлланиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. $(s_{nn})^{1/2}$ = 62—5020 ГэВ энергия оралиғида p+p, Cu+Cu, Au+Au, Pb+Pb тўқнашувларидаги коллектив хоссаларини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

материянинг кўндаланг (радиал) оқим ўртача тезлиги ($<\beta_t>$) ва $(s_{nn})^{1/2}$ = 62—2760 ГэВ энергия оралиғида марказий Cu+Cu, Au+Au ва Pb+Pb тўқнашувларида иштирок этган нуклонларнинг ўртача сони $<N_{part}>$ ўртасидаги тўғри боғлиқлик № 11575103-сон Хитой миллий табиий фанлар жамғармаси ва № 201901D111043-сон Шанси вилоят илмий жамғармаси грантлари доирасида фойдаланилган (Шанси университети Назарий физика институтининг 2021 йил 24 майдаги маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши материя кўндаланг оқими тезлигининг оғир ионлар тўқнашувларининг энергиясига $(s_{nn})^{1/2}$ ва тўқнашувларда иштирок этган нуклонларнинг ўртача сонига $<N_{part}>$ боғлиқлигини ўрнатишга имкон берган;

ўртача кинетик «совиш» ҳарорати қийматининг $<T_{fo}>$ $(s_{nn})^{1/2}$= 62—2760 ГэВ энергия оралиғида марказий Cu+Cu, Au+Au ва Pb+Pb тўқнашувларида иштирок этган нуклонларнинг ўртача сони $<N_{part}>$ ва энергия $(s_{nn})^{1/2}$ ўртасидаги боғлиқликлари № 11575103-сон Хитой миллий табиий фанлар жамғармаси ва № 201901D111043-сон Шанси вилоят илмий жамғармаси

грантлари доирасида (Шанси университети Назарий физика институтининг 2021 йил 24 майдаги маълумотномаси) ҳамда чет эл олимларининг илмий ишларида (халқаро журналлардаги ҳаволалар: International Journal of Modern Physics A 35, 2050167, 2020; Euro-Asia Conferences, 2021; Advances in High Energy Physics 2021, 6677885, 2021; International Journal of Modern Physics A 36, 2150149, 2021) фойдаланилган. Илмий натижаларнинг қўлланилиши заррачалар ҳосил бўлиши кинетик ҳароратининг оғир ионлар тўқнашувларининг энергиясига $(s_{nn})^{1/2}$ боғлиқлигини аниқлашга, шунингдек, зич материянинг коллектив хоссалари ҳақидаги дунё маълумотлар базасини тўлдиришга имкон берган;

термализация ва мувозанатсизлик (ноэкстенсивлик) даражаларининг Pb+Pb тўқнашув марказийлигига боғлиқлиги, Цаллис тақсимотининг T ҳарорати ва ноэкстенсивлик параметри q (мувозанатсизлик даражаси) p+p тўқнашувларининг энергиясига боғлиқлиги ва $(s)^{1/2}$= 2.76 ва 5.02 ТэВли p+p тўқнашувларида коллектив кўндаланг оқимнинг деярли мавжуд эмаслиги Банну Фан ва технологиялар университетининг физика факультети ва ЎзФА Физика-техника институтининг Юқори энергиялар лабораторияси ўртасида илмий ҳамкорлик доирасида (Банну Фан ва технологиялар университетининг 2021 йил 25 майдаги маълумотномаси) протон-протон тўқнашувларида олинган экспериментал натижаларни феноменологик таҳлил қилиш учун ҳамда чет эл олимларининг илмий ишларида (халқаро журналлардаги ҳаволалар: International Journal of Modern Physics A 35, 2050167, 2020; Advances in High Energy Physics 2021, 6677885, 2021; International Journal of Modern Physics A 36, 2150149, 2021) фойдаланилган. Илмий натижаларнинг қўлланилиши ОИРК ва КАК тажрибаларидаги p+p ва A+A тўқнашувларининг эффектив ҳарорати ва мувозанатсизлик (ноэкстенсивлик) параметрининг тўқнашувлар энергияси $(s_{nn})^{1/2}$ га боғлиқлигини ўрнатишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари 7 та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 4 та мақола, шундан 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва унинг аҳамияти, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот предмети ва объекти, ишлатилган усуллар ҳамда ундаги илмий ва амалий янгиликлар, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, Ўзбекистон Республикасида фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилиб, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, иш натижалари ва апробацияси, диссертация тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Юқори энергияли ядро-ядро тўқнашувлари бўйича олиб борилган экспериментал ва назарий ишларнинг қисқача шарҳи, феноменологик моделлар»** деб номланган биринчи бобида Катта адрон ва Оғир ионлар релятивистик коллайдерларидаги юқори энергияларда ядро-ядро тўқнашувлари бўйича экспериментал ишлар ва маълумотларни таҳлил қилиш бўйича назарий ёндашувлар кўриб чиқилган.

Материя қобиғининг доимий радиал оқим тезлиги билан сферик-симметрик кенгайишини таҳмин қилиб ва адронларнинг «совиш» вақтини аниқлаган ҳолда, Сименс ва Расмуссен жадалликнинг марказий соҳасидаги (y=0) оғир ионларнинг марказий тўқнашувларида аниқланган заррачаларнинг инвариант кўндаланг импульс спектрларини таҳлил қилиш учун қуйидаги формулани олишган:

$$\frac{d^2N}{2\pi N_{ev}p_t dp_t dy} = Z\, exp\left(-\frac{\gamma_t m_t}{T_{fo}}\right)\left\{(\gamma_t m_t + T_{fo})\frac{sinh\alpha}{\alpha} - T_{fo}cosh\alpha\ \right\} \qquad (1)$$

бу ерда Z – нормаллаш коэффициенти, T_{fo} - кинетик «совиш» ҳароратининг баҳолашда ишлатилиши мумкин бўлган кенгаяётган манбанинг ҳарорати, $m_t = \sqrt{p_t^2 + m_0^2}$ – адроннинг кўндаланг массаси (кўндаланг энергияси), $\alpha = \frac{\gamma_t \beta_t\ p_t}{T_{fo}}$, $\gamma_t = 1/\sqrt{1-\beta_t^2}$, β_t – кўндаланг кенгайиш тезлиги. Ушбу тенглама (1) Сименс-Расмуссен зарба тўлқини функцияси деб аталади.

Агар кинетик «совиш» жараёни доимий ҳароратли (гипер)юзада содир бўлса, жадалликнинг марказий соҳасида (y=0) заррачаларнинг кўндаланг импульс спектрларини таҳлил қилиш учун қуйидаги тенглама олинади:

$$\left(\frac{d^2N}{2\pi N_{ev}p_t dp_t dy}\right)_{y=0} = C_t\, exp\left(-<\gamma_t> \frac{m_t - p_t <\beta_t>}{T_{fo}}\right), \qquad (2)$$

бу ерда C_t – нормаллаш коэффициенти, $<\beta_t>$ - кўндаланг оқим тезлигининг ўртача қиймати ва $<\gamma_t> = 1/\sqrt{1-<\beta_t>^2}$ га тенг. Бу тенглама оддий кўндаланг оқим модели фукцияси деб аталади.

Шунингдек, илмий ишда Шнедерман зарба тўлқини модели ишлатилган. Шнедерман моделида материянинг кўндаланг цилиндрсимон кенгайишидан фойдаланилган, бу эса Шнедерман зарба тўлқини гидростатик моделида жадалликнинг марказий соҳасида (y=0) бўйлама инвариант Бьоркен

платосига сабаб бўлади:

$$\frac{d^2N}{2\pi N_{ev}p_t dp_t dy} = \frac{d^2N}{2\pi N_{ev}m_t dm_t dy} =$$

$$C_s\, m_t\, I_0\left(\frac{p_t sinh(tanh^{-1}<\beta_t>)}{T_{fo}}\right) K_1\left(\frac{m_t cosh(tanh^{-1}<\beta_t>)}{T_{fo}}\right), \qquad (3)$$

бу ерда C_s – нормаллаш коэффициенти, I_0 ва K_1 – модификация қилинган Бессель функциялари. Бу тенглама (3) соддалаштирилган Шнедерман модель функцияси деб аталади. (3)-тенгламадаги функция ёрдамида олинган $<\beta_t>$ ва T_{fo} қийматларини $r=0$ дан $r=R$ гача бўлган интервалда олинган ўртача қийматлари деб ҳисоблаш мумкин. Бу ерда R – ҳосил бўлган цилиндриксимон «файрбол»нинг максимал радиуси.

Нуклон-нуклон тўқнашувларида ҳосил бўлган заррачаларнинг инвариант кўндаланг импульс тақсимотларини Ҳагедорн функциясидан фойдаланган ҳолда p_t нинг кенг интерваллари да муваффақиятли тавсифлаш мумкин:

$$\frac{d^2N}{2\pi N_{ev}p_t dp_t dy} = C\left(1+\frac{m_t}{p_0}\right)^{-n}, \qquad (4)$$

бу ерда C – нормаллаш коэффициенти, p_0 ва n – функциянинг эркин параметрлари, $m_t = \sqrt{p_t^2 + m_0^2}$ – адроннинг кўндаланг массаси (кўндаланг энергияси), m_0 – адроннинг тинч ҳолатидаги массаси.

Ушбу ишда ОИРК ва КАКда юқори энергияли p+p тўқнашувларида ўлчанган инвариант p_t (m_t) спектрларини тавсифлаш учун Цаллис тақсимоти келтирилган. Шуни таъкидлаш керакки, Цаллис тақсимот функциясининг юқори энергияли p+p тўқнашувларида ҳосил бўлган заррачаларнинг p_t - спектрларини тавсифлаш учун бир хил даражада мос келадиган бир нечта вариантлари мавжуд. Иккита параметр T ва q ёрдамида заррачаларнинг инвариант спектрларини тавсифловчи Цаллис тақсимоти жадалликнинг марказий соҳасида (y=0) қуйидагича ифодаланади:

$$\frac{d^2N}{2\pi N_{ev}p_t dp_t dy} = C_q\left(1+(q-1)\frac{m_t}{T}\right)^{-1/(q-1)}, \qquad (5)$$

бу ерда C_q – нормаллаш коэффициенти, T – ҳарорат параметри, q параметри эса тизимнинг термализация даражасини кўрсатади. q параметри «бир» (1) қийматига яқинлашганда, Цаллис тақсимоти одатий Больцман-Гиббс тақсимотига айланади. (5)-тенгламадаги бу функция оддий Цаллис тақсимоти функцияси деб аталади.

Цаллис тақсимотининг қуйидаги функцияси (жадалликнинг марказий соҳасида (y=0)) заррачалар сони, энергия зичлиги ва босим учун термодинамик мос вариантига олиб келади:

$$\frac{d^2N}{2\pi N_{ev} p_t dp_t dy} = C_q m_t \left(1 + (q-1)\frac{m_t}{T}\right)^{-q/(q-1)}, \qquad (6)$$

Бу (6)-тенглама термодинамик мос бўлган Цаллис тақсимоти функцияси деб аталади.

(5) ва (6)-тенгламаларда келтирилган Цаллис тақсимотидан олинган T қийматлари эффектив ҳароратидир, бу ҳарорат иссиқлик ҳаракати ва кенгаяётган материянинг коллектив оқими (агар мавжуд бўлса) ҳиссаларини ўз ичига қамраб олади. Иссиқлик ҳаракати ва коллектив оқим эффектларини ажратиш учун коллектив кўндаланг оқимининг тезлиги Цаллис тақсимотига киритилиши керак.

(4) ва (5)-тенгламалардаги функцияларни солиштирганда, $n = 1/(q-1)$ ва $p_0 = nT$ ифодаларидан фойдаланган ҳолда ҳар иккита функция ҳам математик жиҳатдан тенг эканлигини кўриш мумкин. Кўриниб турибдики, n параметрининг катта қийматлари q нинг кичик қийматларига мос келади. T ҳарорат параметрини қўшиш учун, $p_0 = nT$ ифодасини ишлатиб, (4)-тенгламадаги функцияни қуйидаги кўринишда қайта ёзиш мумкин:

$$\frac{d^2N}{2\pi N_{ev} p_t dp_t dy} = C\left(1 + \frac{m_t}{n\,T}\right)^{-n}, \qquad (7)$$

Диссертация ишида қуйидаги $m_t \to \langle\gamma_t\rangle\,(m_t - p_t\langle\beta_t\rangle)$ оддий ўзгартириш ёрдамида (7)-тенгламага коллектив кўндаланг оқим параметрини киритишнинг энг оддий усули қўлланилади. Шунда (7)-тенглама қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\frac{d^2N}{2\pi N_{ev} p_t dp_t dy} = C\left(1 + \langle\gamma_t\rangle\frac{(m_t - p_t\langle\beta_t\rangle)}{n\,T}\right)^{-n}, \qquad (8)$$

бу ерда $<\gamma_t>= 1/\sqrt{1-<\beta_t>^2}$, $<\beta_t>$ – кўндаланг кенгайиш тезлигини ўртача қиймати. (8)-тенглама кўндаланг оқим киритилган Хагедорн функцияси деб аталади.

Диссертациянинг «**Юқори энергияли марказий Cu+Cu, Au+Au ва Pb+Pb тўқнашувларида зарядланган заррачалар кўндаланг импульсларининг спектрлари»** деб номланган иккинчи бобида $(s_{nn})^{1/2}$ = 62—2760 ГэВ энергия оралиғида марказий Cu+Cu, Au+Au ва Pb+Pb тўқнашувларида ҳосил бўлган пионлар, каонлар, протонлар ва антипротонларнинг кўндаланг импульс спектрларини Сименс-Расмуссен «зарба тўлқини», оддий кўндаланг оқим ва Шнедерман «зарба тўлқини» функциялари билан тавсифлаш ёрдамида назарий таҳлил қилинган.

Таҳлил қилинган ОИРК ва КАКда марказий Cu+Cu, Au+Au ва Pb+Pb тўқнашувларида жадалликнинг марказий соҳасида ҳосил бўлган зарядланган пионлар ва каонлар, протонлар ва антипротонларнинг экспериментал инвариант p_t-спектрлари (тўқнашувнинг марказийлиги ва тўқнашувларда иштирок этган нуклонларнинг ўртача сони ($<N_{part}>$)) 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

ОИРК ва КАК марказий Cu+Cu, Au+Au ва Pb+Pb тўқнашувларда ҳосил бўлган зарядланган пионлар ва каонлар, протонлар ва антипротонларнинг ўлчанган инвариант p_t спектрлари ҳақида маълумот (жадалликнинг марказий соҳасида (<y>=0))

Заррачалар тури	$(s_{nn})^{1/2}$= 62.4 ГэВли Au+Au тўқнашувлар, марказийлиги (0-10) %, $\langle N_{part}\rangle$=314±8	$(s_{nn})^{1/2}$= 200 ГэВли Cu+Cu тўқнашувлар, марказийлиги (0-10) %, $\langle N_{part}\rangle$=97±1	$(s_{nn})^{1/2}$= 200 ГэВли Au+Au тўқнашувлар, марказийлиги (0-10) %, $\langle N_{part}\rangle$=328±6	$(s_{nn})^{1/2}$= 2.76 ТэВли Pb+Pb тўқнашувлар, марказийлиги (0-5) %, $\langle N_{part}\rangle$=383±2
	ўлчанган p_t оралиғи (ГэВ/c) (y оралиғи)	ўлчанган p_t оралиғи (ГэВ/c) (y оралиғи)	ўлчанган p_t оралиғи (ГэВ/c) (y оралиғи)	ўлчанган p_t оралиғи (ГэВ/c) (y оралиғи)
π^+	0.2-2.0 ($\lvert y\rvert < 0.2$)	0.3-2.35 ($\langle y\rangle = 0$)	0.2-1.9 ($\langle y\rangle = 0$)	0.1-3.0 ($\lvert y\rvert < 0.5$)
π^-	0.2-2.0 ($\lvert y\rvert < 0.2$)	0.3-2.35 ($\langle y\rangle = 0$)	0.2-1.9 ($\langle y\rangle = 0$)	0.1-3.0 ($\lvert y\rvert < 0.5$)
K^+	0.4-1.8 ($\lvert y\rvert < 0.15$)	0.4-2.35 ($\langle y\rangle = 0$)	0.4-1.9 ($\langle y\rangle = 0$)	0.2-3.0 ($\lvert y\rvert < 0.5$)
K^-	0.45-1.9 ($\lvert y\rvert < 0.15$)	0.4-2.35 ($\langle y\rangle = 0$)	0.4-1.9 ($\langle y\rangle = 0$)	0.2-3.0 ($\lvert y\rvert < 0.5$)
p	0.5-8.0 ($\lvert y\rvert < 0.5$)	0.5-3.50 ($\langle y\rangle = 0$)	0.3-3.0 ($\langle y\rangle = 0$)	0.3-4.6 ($\lvert y\rvert < 0.5$)
$\bar{p}$	0.5-8.0 ($\lvert y\rvert < 0.5$)	0.5-3.50 ($\langle y\rangle = 0$)	0.3-3.0 ($\langle y\rangle = 0$)	0.3-4.6 ($\lvert y\rvert < 0.5$)

1-расмда оғир ионларнинг марказий тўқнашувларида ҳосил бўлган заррачаларнинг экспериментал инвариант p_t- спектрларини (3)-тенгламада берилган функция ёрдамида қўшма тавсифлаш сифатини намойиш қилиш учун, p_t оптимал интервалида олинган эгри чизиқлар мос равишда кўрсатилган.

1-расмда p_t бўйича қўшма тавсифлаш интерваллари қуйидагича: зарядланган пионлар учун 0.5-1.0 ГэВ/c, зарядланган каонлар учун 0.5-1.2 ГэВ/c, протонлар ва антипротонлар учун 0.5-1.6 ГэВ/c. $\langle\beta_t\rangle$ ва T_{fo} лар тўқнашувларда ҳосил бўлган барча заррачалар спектрларини қўшма тавсифлашда умумий параметрлар бўлган.

2-жадвалда учта модель функциялари: Сименс-Расмуссен модели функцияси, оддий кўндаланг оқим модели ва Шнедерман модели функцияси ёрдамида тавсифлаш натижаларидан ўртача қийматни ҳисоблаб чиқиш орқали олинган $\langle\beta_t\rangle$ ва T_{fo} параметрларнинг ўртача натижалари келтирилган.



π^+ (★), π^- (очиқ юлдузчалар), K^+(▲), K^-(Δ), p(■) ва $\bar{p}$(□)) спектрлари 1, 0.1, 0.01, 0.001, 0.0001 ва 0.00001 коэффициентларига мос равишда кўпайтирилган.

1-расм. $(s_{nn})^{1/2}$ = 62.4 ГэВли марказий Au+Au (a), $(s_{nn})^{1/2}$ = 200 ГэВли марказий Cu+Cu (b), $(s_{nn})^{1/2}$ = 200 ГэВли марказий Au+Au (c), $(s_{nn})^{1/2}$ = 2.76 ТэВли марказий Pb+Pb (d) тўқнашувларида жадалликнинг марказий соҳасида ҳосил бўлган зарядланган пионлар ва каонлар, протонлар ва антипротонлар инвариант p_t - спектрларининг (3)-тенгламадаги функция ёрдамида қўшма тавсифлашнинг эгри чизиқлари (узлуксиз эгри чизиқлар)

2-жадвал

$<\beta_t>$ ва T_{fo} параметрларининг ўртача натижалари (учта модель функциялари асосида ўрта қийматда олинган)

Тўқнашувлар тури	$<\beta_t>$ (c ёруғлик тезлиги бирлигида)	T_{fo} (МэВ)
$(s_{nn})^{1/2}$= 62.4 ГэВли Au+Au тўқнашувлар, марказийлиги (0-10)%, $<N_{part}>$=314±8	0.591±0.007	112±3
$(s_{nn})^{1/2}$= 200 ГэВли Cu+Cu тўқнашувлар, марказийлиги (0-10)%, $<N_{part}>$=97±1	0.550±0.007	126±4
$(s_{nn})^{1/2}$= 200 ГэВли Au+Au тўқнашувлар, марказийлиги (0-10)%, $<N_{part}>$=328±6	0.606±0.010	124±5
$(s_{nn})^{1/2}$= 2.76 ТэВли Pb+Pb тўқнашувлар, марказийлиги (0-5)%, $<N_{part}>$=383±2	0.679±0.005	127±3

2-жадвалдан кўриниб турибдики, кўндаланг (радиал) оқим тезлигининг ўртача қиймати ($<\beta_t>$) ОИРК ва КАКда $(s_{nn})^{1/2}$ = 62—2760 ГэВ энергия оралиғидаги марказий тўқнашувларда иштирок этган нуклонларнинг ўртача сони $<N_{part}>$ билан ўзаро боғлиқ. Энг катта кўндаланг оқим ўртача

тезлиги ($<\beta_t>$=0.68±0.01) $(s_{nn})^{1/2}$ = 2.76 ТэВли иштирок этган нуклонларнинг сони энг кўп ($<N_{part}>$=383±2) бўлган марказий Pb+Pb тўқнашувларда КАКда кузатилади. Энг кичик кўндаланг оқим ўртача тезлиги ($<\beta_t>$= 0.55±0.01) эса $(s_{nn})^{1/2}$ = 200 ГэВда иштирок этган нуклонларнинг сони энг кам ($<N_{part}>$ =97±1) бўлган марказий Cu+Cu тўқнашувларда ОИРКда кузатилади. 2-жадвалдан кўриниб турибдики, олинган глобал кинетик «совиш» ҳарорати T_{fo} таҳлил қилинаётган оғир ионлар марказий тўқнашувларида иштирок этган нуклонларнинг ўртача сони $<N_{part}>$га боғлиқлиги кузатилмайди. Олинган глобал кинетик «совиш» ҳарорати тўқнашувлар энергияси $(s_{nn})^{1/2}$га боғлиқликга эга: $(s_{nn})^{1/2}$ =62.4 ГэВ бўлганида T_{fo} минимал қиймати (112±5 МэВ)га эга бўлади ва $(s_{nn})^{1/2}$ ортиши билан ошиб, $(s_{nn})^{1/2}\geq$ 200 ГэВ бўлганида ўзининг чегаравий ўртача қиймати ($<T_{fo}>$=126±7 МэВ)га эришади, яъни $(s_{nn})^{1/2}$ = 200—2760 ГэВ энергиялар оралиғида T_{fo} деярли ўзгаришсиз қолади.

Қўшма тавсифлаш сифатини намойиш қилиш мақсадида таҳлил қилинаётган оғир ионларнинг марказий тўқнашувларида ҳосил бўлган заррачаларнинг экспериментал инвариант p_t- спектрларини (8)-тенглама ёрдамида тавсифлаш орқали олинган эгри чизиқлар 2-расмда (бутун $p_t\geq$0.5 ГэВ/*c* интервалда) кўрсатилган.



π^+ (★), π^- (очиқ юлдузчалар), K^+(▲), K^-(Δ), p(■) ва $\bar{p}$(□)) спектрлари 1, 0.1, 0.01, 0.001, 0.0001 ва 0.00001 коэффициентларига мос равишда кўпайтирилган.

2-расм. $(s_{nn})^{1/2}$ = 62.4 ГэВли марказий Au+Au (a), $(s_{nn})^{1/2}$ = 200 ГэВли марказий Cu+Cu (b), $(s_{nn})^{1/2}$ = 200 ГэВли марказий Au+Au (c), $(s_{nn})^{1/2}$ = 2.76 ТэВли марказий Pb+Pb (d) тўқнашувларида жадалликнинг марказий соҳасида ҳосил бўлган зарядланган пионлар ва каонлар, протонлар ва антипротонларнинг инвариант p_t – спектрларининг (8)-тенгламадаги функция билан қўшма тавсифлашнинг эгри чизиқлари (узлуксиз эгри чизиқлар)

2-расмда p_t бўйича қўшма тавсифлаш интерваллари барча заррачалар учун қуйидагича: $p_t \geq 0.5$ГэВ/c. $<\beta_t>$ ва T_{fo} лар тўқнашувларда ҳосил бўлган барча заррачалар спектрларини қўшма тавсифлашда умумий параметрлар бўлган.

$<\beta_t>$ ва T_{fo} параметрларининг оддий кўндаланг оқим киритилган Хагедорн функциясидан (8-тенглама) фойдаланган ҳолда зарядланган пионлар, каонлар, протонлар ва антипротонлар инвариант p_t-спектрларининг $p_t \geq 0.5$ ГэВ/с ўлчанган интервалда минимум χ^2 қўшма тавсифлаш орқали олинган қийматлари (КАК ва ОИРКда, марказий Cu+Cu, Au+Au ва Pb+Pb тўқнашувларида) 3-жадвалда кўрсатилган.

3-жадвал

$<\beta_t>$ ва T_{fo} параметрларининг оддий кўндаланг оқим киритилган Хагедорн функциясидан (8-тенглама) фойдаланган ҳолда зарядланган пионлар ва каонлар, протонлар ва антипротонлар инвариант p_t-спектрларининг $p_t \geq 0.5$ ГэВ/с ўлчанган интервалда минимум χ^2 қўшма тавсифлаш орқали олинган қийматлари (э.д.с.-эркинлик даражаси сони)

Тўқнашувлар тури	$<\beta_t>$ (c ёруғлик тезлиги бирлигида)	T (МэВ)	χ^2/э.д.с. *(э.д.с.)*
$(s_{nn})^{1/2}$= 62.4 ГэВда Au+Au тўқнашувлари, марказийлиги (0-10)%, $<N_{part}>$=314±8	0.53 ± 0.01	74 ± 5	0.43 (121)
$(s_{nn})^{1/2}$= 200 ГэВда Cu+Cu тўқнашувлари, марказийлиги (0-10)%, $<N_{part}>$=97±1	0.41 ± 0.01	111 ± 5	0.26 (56)
$(s_{nn})^{1/2}$= 200 ГэВда Au+Au тўқнашувлари, марказийлиги (0-10)%, $<N_{part}>$=328±6	0.51 ± 0.02	102 ± 8	0.33 (92)
$(s_{nn})^{1/2}$= 2.76 ТэВда Pb+Pb тўқнашувлари, марказийлиги (0-5)%, $<N_{part}>$=383±2	0.63 ± 0.01	103 ± 3	0.50 (182)

3-жадвалда p_t бўйича қўшма тавсифлаш интерваллари, бу – барча заррачалар учун $p_t \geq 0.5$ГэВ/c ўлчанган интервали. $<\beta_t>$ ва T лар тўқнашувларда ҳосил бўлган барча заррачалар спектрларини қўшма тавсифлашда умумий параметрлар бўлган.

2-расмдан ва 3-жадвалдаги χ^2/э.д.с. қийматларидан кўриниб турибдики, (8)-тенгламада келтирилган оддий кўндаланг оқим киритилган Хагедорн формуласи зарядланган пионлар, каонлар, протонлар ва антипротонларнинг экспериментал инвариант p_t- спектрларини $p_t \geq 0.5$ ГэВ/c ўлчанган интервалда яхши тавсифлайди (КАК ва ОИРКда, марказий Cu+Cu, Au+Au ва Pb+Pb тўқнашувларида жадалликнинг марказий соҳасида ҳосил бўлган заррачалар учун). 3-жадвалдан кўриниб турибдики, (8)-тенгламадан олинган $<\beta_t>$ ва T параметрларининг қийматлари паст оптимал p_t интервалда олинган ва 2-

жадвалда келтирилган $<\beta_t>$ ва T_{fo} параметрларининг ($<N_{part}>$) ва $(s_{nn})^{1/2}$ га нисбатан боғлиқлигларини яхши такрорлайди. 3-жадвалдан кўриниб турибдики, энг катта кўндаланг оқим ўртача тезлиги ($<\beta_t> = 0.63\pm0.01$) $(s_{nn})^{1/2} = 2.76$ ТэВли иштирок этган нуклонларнинг сони энг кўп ($<N_{part}> = 383\pm2$) бўлган марказий Pb+Pb тўқнашувларда КАКда кузатилади. Энг кичик кўндаланг оқим ўртача тезлиги ($<\beta_t> = 0.41\pm0.01$) $(s_{nn})^{1/2} = 200$ ГэВли иштирок этган нуклонларнинг сони энг кам ($<N_{part}>=97\pm1$) бўлган марказий Cu+Cu тўқнашувларда ОИРКда кузатилади. Ҳарорат параметри T нинг олинган қиймати таҳлил қилинаётган оғир ионлар марказий тўқнашувларида иштирок этган нуклонларнинг ўртача сони ($<N_{part}>$)га боғлиқлиги кузатилмайди. T глобал параметрининг олинган қиймати $(s_{nn})^{1/2}$ га боғлиқликга эга, яъни $(s_{nn})^{1/2}$ =62.4 ГэВ бўлганида T минимал қийматга эга бўлади ва $(s_{nn})^{1/2}$ ортиши билан ошиб, $(s_{nn})^{1/2} \geq 200$ ГэВ бўлганида ўзининг чегаравий қийматига эришади, $(s_{nn})^{1/2}$ =200—2760 ГэВ энергиялар диапозонида T ўзгаришсиз қолади.

Диссертациянинг **«$(s_{nn})^{1/2}$ = 2.76 ТэВ ва $(s_{nn})^{1/2}$ = 5.02 ТэВли p+p ва Pb+Pb тўқнашувларида ҳосил бўлган заррачаларнинг кўндаланг импульслари тақсимотларининг қиёсий таҳлили»** деб номланган учинчи бобида $(s_{nn})^{1/2}$ = 2.76 ТэВ ва $(s_{nn})^{1/2}$ = 5.02 ТэВ энергия оралиғидаги p+p ва марказий, яриммарказий ва периферик Pb+Pb тўқнашувларида ҳосил бўлган зарядланган заррачалар кўндаланг импульс тақсимотларига оид қиёсий таҳлил натижалари келтирилган (Цаллис тақсимоти функцияси ва кўндаланг оқим киритилган Хагедорн функциясидан фойдаланган ҳолда).

3(a) - 3(d) - расмда $(s)^{1/2}$ = 2.76 ТэВ ва $(s)^{1/2}$ = 5.02 ТэВли p+p тўқнашувларида ҳосил бўлган зарядланган пионлар ва каонлар, протонлар ва антипротонлар экспериментал кўндаланг импульс спектрларининг барча ўлчанган p_t интервалда, шунингдек, термодинамик мос бўлган Цаллис тақсимоти функциясидан (5-тенглама) фойдаланган ҳолда зарядланган пионлар, каонлар, протонлар ва антипротонлар p_t-спектрларининг $p_t \geq 0.5$ ГэВ/с ўлчанган интервалда минимум χ^2 қўшма тавсифлаш орқали олинган эгри чизиқлар келтирилган. 3(a)-(d)-расмдан кўриниб турибдики, $(s)^{1/2}$ = 2.76 ТэВ ва $(s)^{1/2}$ = 5.02 ТэВли p+p тўқнашувларда ҳосил бўлган зарядланган заррачаларнинг экспериментал p_t-спектрлари термодинамик мос бўлган Цаллис тақсимоти функцияси билан яхши тавсифланади. $(s)^{1/2}$ = 2.76 ТэВ ва $(s)^{1/2}$ = 5.02 ТэВли p+p тўқнашувларда кўндаланг радиал оқимнинг пайдо бўлиши қай даражада сезиларли бўлишини текшириш мақсадида, кўндаланг оқим киритилган Хагедорн функциясидан (8-тенглама) фойдаланиб, ушбу тўқнашувларда ҳосил бўлган пионлар ва каонлар, протонлар ва антипротонлар p_t-спектрларининг минимум χ^2 қўшма тавсифлаш амалга оширилди. $<\beta_t>$ ва T лар тўқнашувларда ҳосил бўлган барча заррачалар спектрларини қўшма тавсифлашда умумий параметрлар бўлган. 3(e)-(f) расмдан кўриниб турибдики, кўндаланг оқим киритилган Хагедорн функцияси $(s)^{1/2}$ = 2.76 ТэВ ва $(s)^{1/2}$ = 5.02 ТэВли p+p тўқнашувларда ҳосил бўлган зарядланган пионлар ва каонлар, протонлар ва антипротонлар кўндаланг импульс спектрларини яхши тавсифлайди.



3-расм. Зарядланган (π^++π^-) пионлар(●), зарядланган (K^++K^-) каонлар (Δ), протонлар ва антипротонлар (p+$\bar{p}$) (■) экспериментал кўндаланг импульс спектрлари (p_t нинг барча ўлчанган интервалларида $(s_{nn})^{1/2}$ = 2.76 ТэВ (a)ли p+p тўқнашувлари ва $(s_{nn})^{1/2}$ = 5.02 ТэВ (b)ли p+p тўқнашувлари); p_t≥0.5 ГэВ/*c* соҳада, $(s_{nn})^{1/2}$ = 2.76 ТэВ (c, e)ли p+p тўқнашувлари ва $(s_{nn})^{1/2}$ = 5.02 ТэВ (d, f)ли p+p тўқнашувларида)

3-расмдаги узлуксиз эгри чизиқлар – зарядланган заррачаларнинг кўндаланг импульслари экспериментал спектрларининг термодинамик мос бўлган Цаллис тақсимоти функцияси (5-тенглама) ва кўндаланг оқим киритилган Хагедорн функцияси (8-тенглама) билан минимум χ^2 қўшма тавсифлашнинг натижалари.

4-жадвалда термодинамик мос бўлган Цаллис тақсимоти функцияси (5-тенглама) ёрдамида минимум χ^2 қўшма тавсифлаш натижасида олинган q ва T параметрларининг таққосланиши (солиштирилиши) келтирилган ($(s_{nn})^{1/2}$ = 2.76 ТэВ ва $(s_{nn})^{1/2}$ = 5.02 ТэВли p+p тўқнашувларида, p_t бўйича тавсифлашнинг бир хил интервалларини қўллаган ҳолда).

4-жадвалда T заррачалар спектрларининг қўшма тавсифлаш учун умумий параметр бўлган. p_t нинг тавсифлаш интерваллари ($(s_{nn})^{1/2}$ = 2.76 ТэВ ва $(s_{nn})^{1/2}$ = 5.02 ТэВли p+p тўқнашувларида) зарядланган пионлар учун

0.5-6.5, каонлар учун 0.5-11.0, протон ва антипротонлар учун 0.5- 20.0 ГэВ бўлган. Бу ерда э.д.с.-эркинлик даражаси сони.

4-жадвал

Термодинамик мос бўлган Цаллис тақсимоти (5-тенглама) q ва T параметрларининг таққосланиши (солиштирилиши) ($(s)^{1/2}$ = 2.76 ТэВ ва $(s)^{1/2}$ = 5.02 ТэВли p+p тўқнашувларида)

Тўқнашувлар тури	$(s)^{1/2}$=2.76 ТэВли $p+p$				$(s)^{1/2}$=5.02 ТэВли $p+p$			
Заррачалар тури	Cq ($c^4/ГэВ^3$)	q	T (МэВ)	χ^2/э.д.с. (э.д.с.)	Cq ($c^4/ГэВ^3$)	q	T (МэВ)	χ^2/э.д.с. (э.д.с.)
$\pi^+ + \pi^-$	194±6	1.139± 0.001	95±1	0.28 (123)	181±7	1.146± 0.001	98±1	1.19 (115)
$K^+ + K^-$	73±3	1.144± 0.001			68±3	1.150± 0.001		
$p+\bar{p}$	179±8	1.116± 0.001			132±7	1.126± 0.001		

